

ISLAMONLINE.UZ

Тарих



## Петр I ва Мовароуннаҳр олтини



1716 йил февралда одатдаги элчилик сафари билан Бухоро элчиси Хонкулибек Россия императорига Бухоро хони Абулфайзхоннинг ёрлигини олиб келади. Ёрликда Абулфайзхон шимолдаги улкан мамлакатга тинчлик-хотиржамлик тилаб, ўзаро савдо-сотикни ривожлантириш истагини изхор этган эди. Бундан ташқари, элчи Пётр Биринчини ўз ҳукмдори номидан Шветсия устидан қозонилган ғалаба билан табриклаши лозим эди.

Бу вақтда Пётр чет элда бўлиб, унга Хонкулибекнинг Россияга ташрифи ҳақидаги хабарни элчиларни йўлда кутиб олган кеназ А. Бекович-Черкасский етказди (*Бекович-Ч*

*еркассийнинг келиб чиқиши кабординлардан, чўқинишидан олдин исм-шарифи Давлат Гирей мирзо бўлган, - Абу Муслим*

). Пётр бу хабарни эшитиши билан дархол сенатга фармон йўллаб, Бухоро элчисини имкон қадар яхши кутиб олишни, унга Оврупо давлатларининг элчиларига кўрсатиладиган иззат-икром кўргазилгани ҳамда то ўзи Россияга қайтмагунча уларни тўхтатиб туришни топширади. Пётр Хонкулибекни шахсан қабул қилмоқчи эди. Элчи, унинг волидаси, хотин ва бола-чакалари, ходимлари (жаъми олти икки киши) тушган бир юз йигирмата от-арава шошилмай-нетмай Астархон шаҳридан Саратовга, ундан Москва томон йўлда давом этиб ният 1717 йил июл ойида Петербургга етиб келади ва зўр тантана билан кутиб олинади. 20 сентябр куни Пётр I Хонкулибекни «хон ёрлиғи узра қўлини қўтариб», тантанавор маросимларни адо этиб қабул қилади. Элчи унга Абулфайзхон юборган тухфалар — ипак, парча, зотли отлар, икки маймун ва икки барснинг терисини (булар йўлда нобуд бўлгач, териси шилиб олинган эди) топширади. Аммо Россия ҳукмдори учун энг яхши совға озод қилинган ўттиз олти нафар рус асирлари эди. Ўз навбатида элчи хоннинг Бухородаги ўз саройида жавоб ташрифи билан борадиган рус элчисини қўриш истагини баён этади. Мана бу гап Пётрга жуда ёқиб тушади. Чунки энди Мовароуннахрдаги вазиятни аниқлаштириш, Бухоро билан иттифок тузиш, Бухоро орқали бошқа шарқ мамлакатлари билан алоқаларни кенгайтириш ва Россиянинг таъсир доирасини у ерларга ёйиш ишларини «расмий», дипломатик йўллар билан амалга ошириш учун қулай имконият вужудга келаётган эди. Ўрни келганда айтиб ўтайлик, бу каби ишларни қурол қучи билан бажариб бўлмади, сабаби куни кеча Пётрга кеназ А. Бекович-Черкаасскийнинг халок этилгани тўғрисида қайгули хабарни етказишди Ха. Россияга Бухоро элчилари келаётганлигини хабар қилган ўша кеназ Хивада қўлга олиниб ўлдирилган эди. Бу воқеа эса қуйидагича кечган эди...

Россия хонликлари ўртасидаги ўзаро қурашлардан фойдаланиб-қолмоқ ниятида талай тadbирларни қўра бошлагани тарихдан яхши маълум. У Бухоро ва Хива хонлари розилигини олиб, уларга ўз душманларига қарши қурашда ёрдам тариқасида «хон гвардияси» никоби остида рус харбий бўлинмаларини ўрнаштириш мақсадида жанубга турли экспедициялар йўллайди.

Шулардан бири номи юқорида зикр этилган кеназ Бекович-Черкаасский бошлик экспедицияси эди. Унга 1714 йил май ойидаёқ Амударё мансабини қидириб топиб, дарёнинг Каспий денгизига олиб борадиган эски йўлини тўсиб қўйган гов-тўгоннинг қаердалигини аниқлаш вазифаси топширилган эди. Шу мақсадда унга бир ярим минг кишилик харбий қўшин берилади, турли харажатларга беш минг сўм пул ажратилади. Кеназ яна беш юз нафар Ёйик қазагини сафарбар этиб, 1715 йил апрел-октябр ойлари давомида Каспий денгизининг шарқий қирғоғини бошидан охиригача кезиб чиқади ва 4 август куни Пётр I га: «Мен илгари Амударё Каспий денгизига қуйиладиган Октам деган жойга келдим, Амударё Хивадан тўрт вёрст нарида «алоҳида тўгон орқали» Орол денгизига йўналтирилган; бу ерда маҳаллий олтиндан харид қилдим», деган мазмунда хабар юборади. Сўнг Каспий денгизи харитасини тузиб, Астархонга қайтиб келади. Амударёниёқ Каспий денгизига қадимда қуйиладиган жойи — мансаби бўлган экан—бу гоёт муҳим хабар эди! Амударёнинг Каспий денгизи томон эски оқимида тўскинлик қилиб турган тўгон (у бегоналарнинг денгиз орқали Каспийдан тўппа-тўғри Хивага қелишига йўл қўймаслик мақсадида қурилган эди) яқсон қилинса, бас, Астархондан Хивага сув

йўли билан бемалол бориш мумкин! Пётр 1716 йил февралида Бекович-Черкасскийни кабул килади, шу ойнинг ўзидаёқ унга капитан унвонини бериб, Астархонга жўнатади. У фармонга биноан Хивага бориб, хонни Россия табаалигига ўтишга кўндириши, «хон бизнинг манфаатларимиз йўлида жонбозлик қилиши»-учун унинг ихтиёрига икки минг казакдан иборат рус гвардиясини бериш, Амударё ўзанини тўсиб турган тўгонни «вайрон қилиш», шу жойда қалъа қуриш қаби ишларга бош бўлиши зарур эди. Мана шу мақсадда кеназга олти минг саллот ва казак кўшини берилади.

Шу ўринда А. С. Пушкиннинг «Пётр тарихи. Тайёргарлик матнлари»га мурожаат этамиз. (Маълумки, шоир йигирма етти ёшида Пётр I тарихини яратишга аҳд қилади ва орадан йиллар ўтиб, подшонинг ижозати билан Россия Ташки ишлар коллегияси хужжатхонасида ўнлаб-юзлаб архив материаллари билан танишади; Пётр даврига оид барча адабиётларни ўқиб-ўрганиб, шуларнинг қисқача баёнини махсус дафтарларга қайд қилиб боради. Аммо умри қисқа экан, Пётр тарихини ёзиб улгура олмади, тайёргарлик матн (конспект)ларини нашр этишга эса Николай I нинг ўзи «кўлёзма»ни ўқиб, «Буюк Пётр шаънига кўпгина беандиша гаплар битилганлиги сабабли босиб чиқарилиши мумкин эмас», деб рухсат бермайди. Хозирги даврга келиб, шоирнинг ўн жилдлик тўла асарлар тўпламида мазкур кўлёзма деярли бутун бир тўққизинчи жилдни ташкил қиладики, қуйидаги иқтибос ана шу китобдан олинди). Пушкин Бекович-Черкасскийнинг Хивага юриши тўғрисида ёзади: «Пётр уни Амударёнинг илгари Каспий томон оқиб борганлиги, лекин бухоролқлар томонидан Оролга буриб юборилганлиги аниқ эканлигига ишонч ҳосил қилиш учун йўллаган эди. Шунингдек, олтин кум ҳақидаги миш-мишлар ҳам ҳукмдорни қизиқтириб қолган эди. Бизнинг тижорат ишларимиз учун Хиндистонга олиб борадиган йўлни топиш фикри унинг даҳосига яна ҳам муносиб фикр эди. Бахтга қарши, Бекович ҳар нарсасига ишонаверадиган, ўжар-қажбахс ва билимсиз одам эди ва буюк бир иш унинг ўзи билан бирга сувга уриб кетди...

Бекович Тўқ-Қараган қалъаси (Тўқ-Қараган бурнида) пойдеворини қурдириб, унда Пенза полкини қолдирди. Ўндан 120 верст нарида, қўрғаз бўйида бошқа бир — Александр-Бай қалъасини тиклаб, унда 3 та ротани қолдирди. Сўнгра Амударёнинг аввалги ўзани бўйида, Красноводск қўрғазига асосий қалъа заминини қурдириб, унда Крутой ва Риддлер полкларини қолдирди (Александр-Байдан 300 верст нарида ва Астрахандан ҳудди шунча масофада). Бекович ана шу ердан Амударёнинг ўзи ҳаёт қилган ўзани бўйлаб юриди, у келаси ёз фаслида тўгонни қидириб топиш умидида Орол денгизи ёкалаб боришни мўлжаллаб қўяди.

У Астархонга қайтиб, Красноводскда полковник фон дер Вейденни қолдирди. Хива хонига уч элчини йўллаб, ўзининг у ерга боражагини билдириб, ёрдам талаб қилди, аммо элчилар қайтиб келмади.

1717 йил июлида Бекович бир драгунлар эскадрони, икки рота саллот (тўп ва захиралари билан), 1500 нафар Ёйик қазаги, 500 тотор, 500 Гребня қазаги, 200 ўрис ва тотор савдогари билан юриш бошлади... Бекович Хивага етиб келади. Унинг атрофини Хива хонининг ўзи — Шергози бошчилигидаги 24 минг кўшин қўшаб олади. Уларнинг муваффақиятсиз ҳуружлари уч кун давом этади. Бекович олға қараб юриверади. Аҳоли

Хивадан ташкари чикиб кета бошлаганди. Бекович айна шу пайтда хотини (кизлик вақтидаги фамилияси — княжна Голицина, Борис Алексеевичнинг кизи) ўзининг икки фарзанди билан Волгага чўкиб кетгани тўғрисидаги хабарни эшитади. Унинг руҳи буткул тушиб, ақлдан озаёзади. Шу аснода Шергози хийла ишлатади. Гўё музокара олиб бориш максатида Бековични алдаб, ўз хузурига олиб келишга муваффақ бўлади... Барча россияликлар кўлга олинадилар, Фрайкенберг (майор) ҳам асир тушган Бековичнинг уч қарра берган буйругини бажариб, алданадилар. Барча россияликлар кўлга олиниб, ўлдириладилар, Бекович билан Франкенберг ҳалок бўладилар. Хива хони Бухоро хонига шўрпешона Бековичнинг қалласини юбориб, ўзини ва қўшнисини ҳавфли бир душмандан ҳалос этгани билан мактанадилар. Унинг айёрлигида фойдаланган Бухоро хони Шергозини одамхўр деб атайди ва бу билан Пётрнинг қўнглини олади. Пётр Бухоро хони орқали ўз ишларини қайта бошлашни дилига тугиб қўяди ҳамда шу максатда Ташки ишлар коллегиясининг котиби Флорио Беневенини Бухоро хони хузурига йўллайди».

Нақл қилишларича, Пётр ўлим тўшагида икки нарсаси: Прутдаги омадсизлиги учун Туркиядан ва Бековичнинг ўлдирилганлиги учун Хивадан қасос ололмаганлигига афсусланган.

У Бухоро элчисини қабул қилиб, Хонкулибекнинг хон номидан Бухорога «оқил бир кишини» элчи қилиб юбориш борасидаги таклифига бажонидил қўнгани боиси ҳам шундан эди. Шундай қилиб, Хонкулибек Пётрнинг хон номига битган ёрлиги ва бир қўп совга-саломларини олиб, йўлга тушади. Уч ой деганда бухороликлар Астархонга етиб келишади. Қўп ўтмай Астархон губернатори пойтахтдан Россиянинг Бухородаги элчиси бормағунига қадар Бухоро сафирини нима қилиб бўлса ҳам ушлаб турш борасида қўрсатма олади. Икки элчи Астархонда учрашиб, сўнг биргаликда Бухорога йўл олишлари керак эди. Аввалига Пётр-Бухорога «улуг элчилик» юборишни мўлжаллаган эдики, у Бухоро хонлиги билан «якин алоқа» ўрнатишга қанчалик зўр аҳамият берганлигини шундан ҳам биланш мумкин. Бироқ кейинчалик: бу фикридан воз кечади, негаки у вақтдан ютмоқчи эди: расмана элчилик юбориш учун узок вақт ҳозирлик қўриш лозим бўларди, элчининг ўзини жўнатиш анча тез ва енгил қўчарди. Ниҳоят, узок йиллар Пётрнинг энг ишончли одамлари — тажрибали дипломатлар Шафиров ва Толстойлар қўлида ишлаган Флорио Беневенини 1718 йил 1 июл қўп элчи қилиб Бухорога жўнатиш тўғрисидаги фармонга имзо чекилади, сентябр ойида эса унга Москвада хон номига ёзилган олий ёрлик ҳамда совга-саломлар — хон, унинг онаси, вазирлари, якин қишлоғига аталган олмахон, тулки, сувсар мўйналар, қўн-тернлар, мовут, чинни идишлар, занг урадиган, Англияда ишланган соатлар ва ҳоказо топширилади. Ва, албатта — махфий йўл-йўриқ, яъни, иш дастури... Ўша йили (13 ноябрда Астархонга етиб келиб, уни беш ойдан бери қўтиб, ётган Хонкулибек билан учрашади. Бухорога эса, улар роппа-роса икки йилу беш ойу бир ҳафтадан сўнггина етиб келишди.

Аникроғи, Беневени 1722 йил 6 апрел қўп Бухорога етиб келади ва «Шарқ экспедитсияси котиби Флорио Беневенига йўл-йўриқлар» деб аталмиш махфий қўрсатма асосида иш бошлайди. Россиянинг олимаком маъмурлари — канслер граф Головкин ва қичик канслер барон Шафиров 1718 йил 13 июлда имзо чеккан ушбу ҳужжатда жумладан «қайси қатта-қичик дарёлар қаерда Каспий денгизига қўшилишини, уларда қандай кемалар борлигини, қандай шаҳарлар мавжудлигини, улар мустаҳкамлангани,

калъалари борми-йўклигини аниклаш, булар барини бухороликларга сездирмай, синчковлик билан кузатиш ҳамда усталик билан билиб олиш... хоннинг вилоятида канча ва кандай кўргонлар бор, кайси жойларда канча суворий ва пиёда кўшини, тўплари ҳамда бошқа куроллари борлигини, буларнинг каий ахволда эканлигини, ўша калъалар кандай назорат килиниши, кўшинлар, тўплар ва хоказолар кай тартибда сакланишини имкони борица кулай йўллар билан кузатиб бориш ва разведка килиш, Бухоро хонининг форслар ва хиваликлар билан ҳамда бошқа кўшни хукмдорлар билан, шунингдек, турклар билан муомаласини, хон кайси бирлари хужум килиб колишидан кўркишини, ўз фукаролари устидан хукми зўрми ё йўкми, булар исёнга мойилми ёки йўкми эканлигини, хонликда идора усули кандай... унга келажакда подшо хазратларининг ёрдами зарур эмасмикан — шуларни яхшилаб аниклаб билиш» вазифаси топширилган эди. Махфий йўл-йўрикнинг охирги, еттинчи моддасида куйидаги сўзларни ўкиймиз: «У, элчи, бухороликлардан ва Бухорода яшовчи хиваликлардан Хивага карашли ерларда, дарё (яъни, Амударё) ва бошқа дарёларда... чиндан ҳам олтин бор-йўклигини билиб олишга интилсин... Агар у ерда калъа ва одамларга эга бўлсак, ўша олтиндан кўплаб казиб олиш мумкинми? Агар чиндан ҳам ўша дарёларда олтин борлигини ҳамда уни кўплаб олиш мумкинлигини билиб олса, ўша ерга етиб бориш ва одамларни ўша жойга олиб бориш, уларни таъминлаш ва хиваликлардан мухофаза этиш имкони бор-йўклигини, бу иш бухороликларга зид иш бўлнб чикмайдими-йўкми — шуни билишга ҳаракат килсин. Бу тўғрида, ҳамма нарса тўғрисида хабардор бўлиб, атайин юборилган чопар оркали дархол подшоҳ хазратларига ёзиб юборсин, ўзи эса юборган маълумотларига оид буйруқ олмагунича, ўша ерда муқим турсин, шу аснода юкорида таърифланганидек, ҳамма нарсадан, яъни, улар давлатининг хол-ахволдан чуқурроқ хабардор бўлиб турсин ва кундаликка ёзиб борсин, токи кайтиб келганидан сўнг жаъмики нарсалар хакида подшоҳ хазратларига батафсил ва ҳакконий ахборот берсин. Мабодо Бухоро хони гвардиясига кўриклаш учун бир неча юз ва ундан ҳам кўпроқ россиялик одам керак бўлиб колса, бундан хабардор бўлиб, кулай пайт келганида хуфиёна таклиф этсинки, подшоҳ хазратлари бу ишдан хонни мамнун килиши мумкин...»

Биз юкорида келтирган ҳамда илова тарзида ёритган расмий ҳужжатларнинг мазмунини зийрак ўқувчиларимизнинг ўзлари албатта чакиб, тегишли хулоса чикаришларига аминмиз ва шу боис уларни бирма-бир изохлаб-тушунтириб ўтирмаймиз.

Бухородаги Россия элчисининг кейинги такднири кандай кечди? У ўзига топширилган гоят нозик ишларни бажариб бўлиб, Пётр пойтахтига, узок Россияга чопарлари — юнон Иван Дементье бошқирд Максуд Юнусов, италян Николо Минер каби чўлу сахро йўллари азобига бардош бериб, эсон-омон етиб бордимиз? Ха, етиб борди, аммо бунинг учун яна кўп кутишга тўғри келди. 1723 йил март ойида Беневени Ташки ишлар коллегиясига мурожаат килиб, Бухородан кетишга ижозат сўрайди, чунки у: «ўзимга юклатилган вазифамни адо этдим», деб хисобларди. Лекин яна, икки йил Бухорода колиб кетишини асло хотирига ҳам келтирмасди. Хати етти ой деганда Петербург дипломатияси раҳбарлари кўлига тушиб: «Сенга Бухородан саройимизга дархол, ўзингга кулайроқ ва енгилроқ бўлган йўл билан жўнашингни буюрамиз. Маълумотинг учун хабар киламизки, ҳозир Форс ўлкаларида бизнинг кўшинларимиз турибди, сен шунга имкон топсанг, бизнинг кўшинларимиз турган жойлар оркали ўтиб боргайсен», деган мазмунда жавоб мактубини олади.

Бухоро хони, унинг олимаком маъмурлари ҳам анойи эмасдилар, албатта. Улар кеназ Бекович-Черкасский элчи никоби остида Хивада килган ишларидан тегишли хулоса чиқарган, шу сабабли ҳам Беневенига шубха билан қарар, унинг ҳар бир қадамини қузатар, сўзларига ишонмас эдилар. Бухоро хони билан ҳайрлашув маросимини бажо этганидан сўнг ҳам амалда элчининг жўнаш муддатини аниқ белгиламайдилар, уни қузатиб бориши лозим бўлган кўрикчиларни тайин қилмайдилар. Боиси— Бухоро аъёнлари Россия билан яқинлашувни истамас, хон ҳам уларнинг айтганини қилар ва рус элчисини қўйиб юборишни лозим кўрмасди. 1725 йил 16 феврал куни Беневени Бухородан чиқиб, Эрон томон йўлга отланади ҳам, аммо кетидан бир даста қўшин юборилгач, ортига қайтишга мажбур бўлади.

Бу вақтга келиб Шергозихонга «Бекович-Черкасскийнинг ўлими учун Россия мендан қасос олиши мумкин» деган ҳаёл тинчлик бермас, айниқса, рус қўшинининг Эронда бўлиши қўнглини ҳижил қилар эди. Шу боис у Россиянинг Бухородаги элчиси мушкул аҳволда қолганлигидан бохабар бўлгач, унга нома йўллаб, Хива орқали Россияга ўтиб кетиши мумкинлигидан огоҳ этади. Мазкур таклиф элчини узок ўйлантириб қўяди. Бир томондан, у Хива йўлини танласа, ҳудди Бекович қаби асфалисофилинга жўнатилиши эҳтимолдан ҳоли эмасди, бироқ Бухорода қолиш ҳам ўлим билан юзма-юз туриб яшаш, демак эди. Нихоят у таваккал қилади: 8 апрелда тун ярмидан оққанда Хивага қараб йўлга тушади. Бухоро аъёнлари, табиийки, элчидан буни сира қутмаган унинг йўлига бирон-бир гов қўйишни ўйламаган ҳам эдилар.

Ўн кун деганда Хивага етиб борган Беневени Ёйик ва Гурйев шаҳарлари орқали нихоят Астархон тупроғига қадам қўяди...

Петербургдан туриб, узок Бухоро ва Хива олтин-қумушига қўл чўзган Пётр эса ботқоклик ўрнида ўн минглаб кишиларнинг бевақт қурбонлиги эвазига қурдирган иойтахт шаҳрида саккиз ойдирки, ҳашаматли тобут ичида ётар эди.

Илхом Султонов